ИНКОРНИНГ СЕМАНТИК ТАСНИФИГА ДОИР

В.А.Воситов

Мақолада инкорнинг семантик турлари масаласи ёритилиб, бу жиҳатдан уни мутлақ инкор, гап инкори, миқдорий инкор, махсус лексик инкор, ярим инкор, сўз инкори, синтактик инкор каби турларга таснифлаш масаласи кўриб чиқилади.

Калит сўзлар: *инкор сўзлар, инкор юклама, инкор аффикслар, ярим инкор, сўз инкори, синтактик инкор.*

Статья посвящена вопросу о семантических типах отрицания, где автор выделяет следующие его типы: абсолютное, предложение, количественное, особое лексическое, половинное, лексическое, синтаксическое.

Ключевые слова*: отрицательное слово, отрицательная частица, отрицательный аффикс, половинное отрицание, лексическое отрицание, синтаксическое отрицание.*

The article studies the semantic types of negation. The author distinguishes semantically absolute, sentence, quantitative, special lexical, half, word, syntactic types are distinguished.

Key words: *negative words, negative particle, negative affixes, half negation, word negation, syntactic negation.*

Инкорнинг турли кўринишларини тасниф қилиш ҳозирги давр тилшунослари эътиборини ўзига тортмоқда. Шу боис ҳам замонавий тилшуносликда жаҳон тилларидаги инкорнинг қатор семантик турлари таснифланади.

Инкорнинг турларига эътибор қаратсак, уларнинг тартибий жойлашиши қуйидагичадир:

1) мутлақ инкор;
2) гап инкори;
3) миқдорий инкор;
4) махсус лексик инкор;
5) ярим инкор;
6) шаклан бўлишли, аммо мазмунан бўлишсиз инкор;
7) сўз инкори;
8) синтактик инкор.

Инкорнинг ифода воситалари бошқа грамматик категорияларнинг маркерлари каби лингвистик таҳлилнинг турли сатҳларида кузатилади. Жаҳон тилларида, жумладан, биз тадқиқ этаётган инглиз тилида улар қуйидаги лингвистик воситаларни қамраб олган:

1. Инкор сўзлар:

а) содда - *no, not*

б) қўшма **-** *none, nobody, nothing, nowhere, never, neither... nor.*

2. Инкор юклама **-** *n't* (ёки **-***not - can not*) доимо махсус шахсли форма билан қўшилиб келади.

3. Инкор аффикслар:

a) префикслар: *un-, dis-, in-, a-, non-*;

b) суффикслар: *- less*.

Бошқа белги ва сигналларга *hardly* ва *scarcely* (ярим инкор), *nearly, barely, half, all but, rarely* сўзлари ва инкор предлоги *without* ни киритиш мумкин. Бу сўзлар иштирок этган гаплар бўлишли тузилишга, яъни маънога эга бўлса-да, лекин унинг замирида қисман инкор маъно ётади.

Масалан: *I scarcely know him.*

Ушбу мисол ўзбек тилига «*Мен уни зўрға танийман*» деб таржима қилинади ва унинг трансформацион муқобили «*Мен уни яхши танимайман*», яъни «*Мен танимоқчи бўлган шахсни тўлиқ кўз ўнгимда ифода эта олмайман*» каби танланади.

Инкорнинг қисқартирилган *n't* шакли билан урғусиз ҳолатда келган инкор *not* юкламаси ўртасида деярли фарқ йўқ, чунки бу ҳар иккала форма феъллар билан бирга келиб, бир-бирининг ўрнини тўлдирган ҳолда инкор маъносини ифода этаверади. Иккинчи томондан, урғули *not* юкламасининг икки хил кўринишини бир-биридан фарқлаш керак. Биттаси лексик инкор деб аталиб, юкламадан кейин келаётган сўзни инкор этади; иккинчиси бутун гапни инкор этувчи инкор юклама ҳисобланади. Худди шунингдек, *no* инкорининг ҳам икки хил кўриниши мавжуд: бири – мутлақ инкор воситаси, иккинчиси миқдорий инкорнинг маркери бўлиб, равишларнинг ифодаловчиси сифатида намоён бўлади.

Ҳинд-европа тилларидаги мутлақ инкорни ифодаловчи *no* ҳамда тасдиқ ифодаловчи *yes* ва уларнинг бошқа дунё тилларидаги, жумладан, туркий тиллардаги *ҳа* ва *йўқ* эквивалентлари кўпчилик тил назариётчилари томонидан функцио-

нал сўзларнинг махсус гуруҳига киритилади (Чарлз Фриз ва б.; ўзбек тилида эса улар сўз-гап тоифали тил воситалари қаторига киритилади).

Ҳинд-европа тилларининг кўпида берилган саволга *yes* ёки *no* жавобининг танланиши нутқий вазиятнинг қайси қарама-қарши нуқтада турганлиги билан аниқланади. Агар нутқий вазият ижобий бўлса, жавоб *yes* билан, нутқий вазият ижобий бўлмаса, *no* билан белгиланади.

Нутқий вазиятнинг бўлишсизлиги билан боғлиқ бўлган саволга жавоб беришда *no* инкорининг ишлатилиши кўп ҳолларда чалкашликка олиб келади. Инглизлар ўзларининг грамматик қонуниятларига бўйсунган ҳолда хорижда умргузаронлик қилишганда ана шундай чалкашликлар келиб чиқади. Чунки инглизларнинг инкор воситаларидан фойдаланиш қоидалари бошқа юртлардаги мулоқотга асосланган тизимга тўғри келмас экан. Шунинг учун ҳам инглизлар *«Never use a negative question when addressing a foreigner»* (Ажнабий-лар билан мулоқотга киришаётганингизда ҳеч қачон инкор сўроқдан фойдаланманг!) дейишади [1.37].

Инкор ифодаловчи воситаларнинг иккинчи йирик гуруҳи миқдорий инкорлардир. Гарчи инкорнинг бу турини ўзида акс эттирган гаплар маъно жиҳатидан феъл инкорга эквивалент бўлса ҳам, шакл нуқтаи назаридан бўлишсиз ҳисобланмайди. Албатта, бу ерда бундай гапларнинг икки хил тасниф асослари бир-биридан фарқ қилиши керак. Биринчидан, формал асосга кўра ё бўлишсиз ёки бўлишли бўлади. Бундай гаплар инкор ва тасдиқ мазмунини ифода этиш учун махсус шахсли феъл формасига эга бўлиши ҳам, эга бўлмаслиги ҳам мумкин. Иккинчидан, функционал ва семантик асосга кўра инкорнинг бу тури ё тасдиқни, ё маълум бир фактни инкор этади. Худди шундай ҳолатни инглиз тилида қуйидаги жадвал орқали кузатиш мумкин.

Жадвал

Гапларнинг формал асосга ва вазифасига кўра таснифи

Гап шакли (form)	Тасдиқ (assertion)	Инкор (denial)
Тасдиқ (positive)	1) I go somewhere	2) I go nowhere
Инкор (negative)	4) I don' t go nowhere	3) I don' t go anywhere

Масаланинг қизиқ томони шундаки, иккита оддийгина маркерланган гаплар (иккинчи ва учинчи мисоллар) битта нарсани ифода этади. Жумладан, *"I don't go anywhere"* мазмунан *"I go nowhere"* га тенг. Айни пайтда икки компоненти маркерланган *"I don't go nowhere"* ҳеч қандай белгисиз *"I go somewhere"* га яқин туриши мумкин.

Миқдорий инкор инглиз тилида қуйидаги тил воситалари билан характерланади:

1. *No* ва унинг мутлақ формаси *none*.

2. *No* орқали олмошдан ясалган отлар: *no one, nobody, nothing*.

3. Инкор равишлар - булар *no-* ёки *n-* префикслари орқали сўроқ формаларига қўшилиб, *nowhere, never* каби равишларни ўз ичига олади.

4. Инкор боғловчилар *neither…nor, not only… but also*.

Миқдорий инкор инглиз тилида бошқача усул билан ҳам ифодаланиши мумкин. Бу тоифа *not* кўмакчиси орқали инкор маъносини берувчи ҳамда *«anything»* га ўхшаган сўзларнинг қўшилишидан ясалади ва қуйидаги манзарани кашф этади:

no none = not any, no one = not anyone

nobody = not anybody, nothing = not anything, nowhere = not anywhere, never=not ever, neither=not either ва б.

Шуни унутмаслик керакки, инглиз тилидаги сифатдошлар билан ишлатиладиган ҳамда инкор маъно касб этувчи конструкцияларнинг бир нечта муқобил вариантлари мавжуд.

Қиёсланг:

a) Not saying a word;

b) Without saying a word;

c) Failing to say a word;

d) He left the room saying no word;

e) He didn't say a word and left the room.

Ҳинд-европа тилларидаги, жумладан, инглиз тилидаги инкорнинг ифода воситалари тизими бошқа дунё тилларидаги тизимдан тубдан фарқ қилади, чунки бу категорияни ифода этувчи тил бирликлари имкониятлари кўлами кенгдир.

Адабиётлар:

1. Cygan J. Negation in English and Polish. // Papers and studies in Contrastive linguistics, vol. 2, 1973. Poznan, 1974. - P. 32-37.

2. Rastorgueva T.A. A History of English. Moscow,1983. - 593 p.
3. Соколов Г.П. Частицы **не**, **ни** и другие, изучение в школе. - Л.: Наука, 1969. – 237 с.

Андижон давлат университети,
2016 йил 17 октябрда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. Т.Эргашев)